

18 апрел кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Қонунчилик палатасининг Спикери Эркин Халилов бошқарди. Кенгаш аъзолари Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш учун тавсия этилаётган масалаларга оид таклифларни кўриб чиқди.

(ЎзА)

ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 19 апрел, сешанба № 63 (1904)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 апрел кuni Оқсаройда Грузия Бош вазирини қабул қилди.

Учрашувда ўзаро алоқаларимиз тарихий дўстлик ва аънавий ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Савдо-иқтисодий алоқалар жадвал ривожланмоқда. 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми олдинги йилга нисбатан икки баравардан зиёд кўпайди.


Мажбуриятини таъкидлади. Бу имкониятларни тўла ишга солиш борасидаги фикрларини баён қилди. 3.Ногаидели самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирар экан, Грузия Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Рағбат бўлган жойда меҳнат унумдорлиги ҳам юқори бўлади. «Намангантекти» хиссадорлик жамияти иккинчи йигириув фабрикасида ана шу таомилга риоя қилинаётгани учун ҳам ишлар бароридан келмоқда.

Суратда: илгор ишчи Гуллола Каримова. Х.МАМАДАЛИЕВ олган сурат



ТЕНГЛИК, РИВОЖЛАНИШ ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА

БМТнинг республикамиздаги ваколатхонаси томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган учрашувда Ўзбекистон делегациясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссиясининг 49-сессиясида иштироки аёнланди.

БМТ Хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссиясининг 49-сессияси жорий йилнинг 28 феврал-11 мартда ушбу ташкилотнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида бўлиб ўтди.

ференциясида қабул қилинган дастурий ҳужжатларни амалга ошириш доирасида эришилган ўн йиллик тараққиётни шарҳлаш ва баҳолаш ушбу анжуман мавзуси бўлди.

(Давоми 2-бетда)

«НУРАЛИ» ДОСТОНИ ФРАНЦУЗ ТИЛИДА

Ўзбек фольклорининг бебахо дурдоналари дунё маданияти хазинасида муносиб ўрин тутди. Шу боис халқимизнинг бой маънавий меросига, оғзаки ҳикояда хорижда ҳам қизиқиш катта.

Nourali le Preux et Maighoumon-Pen Nurali Botir va Marg'amon pari Fozil Yuldashev



«Гуруғли» туркумидаги ушбу дoston 1937 йилда Фозил Йулдош ўлигидан эсиб олинган. Унда мардлик, олижаноблик, муҳаббат ва садоқат каби фазилатлар тараннум этилган.

Пойтахтимиздаги Марказий Осиёни таъдиқ этиш франсуз институтида ушбу китобнинг тақдими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Т.Мирзаев, мазкур институт раҳбари, дoston таржимонини Р.Дор, фольклоршунос олим М.Жураев ва бошқалар «Нурали» дostonининг фаранг тилида чоп этилиши Ўзбекистон билан Франция маданий алоқаларининг тобора мустақамлашиб бораётганидан яна бир далилат эканини алоҳида таъкидладилар.

(ЎзА)

Инсон ҳаётда қутилмаган тўсиқлар, адолатсизликка дуч келиши мумкин. Ушунда уларга касаб ва уюшмалари кўмак келади. Меҳнатқашларни қўллаб-қувватлаш борасида жамоа шартномалари алоҳида ўрин тутди.

Тармоқ касаб ва уюшмаси ўз хизмати билан қамраб олган корхоналарда 2003 йилда 2526 та жамоа шартномаси қабул қилиниб, 175.662 нафар ходимга нисбатан таъбиқ этилган бўлса, 2004 йилда қамраб олинган ходимлар сони 223.094 кишини ташкил этди.

Тахририятимизга Фориш туманидаги «Мустақиллик» маҳалласида истиқомат қилувчи Фулом Гурғибоевдан хат келди. Унда, жумладан шундай дейилади: «Мен 2001 йилдан бунён II гуруҳ ногирониман. Мутахассислигим тил-адабиёт ўқитувчиси.

Шикоят хатини ўрганиш мақсадида Фориш туманида бўлди. Туман ҳокимлиги вакили Шерали Каттабеков, туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Баҳридин Хасанов, «Қаробдал» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Пуҳарбой Пардаевлар ҳамроҳлигида Фулом Гурғибоев ҳонадонига бордик. Оила эл қатори яшашмоқда. Угли Отабек билан ҳам суҳбатлашдик. Йигитнинг бирдан бир мақсади мuddатли харбий хизматга бoриш. Бу яхши, бироқ қақирлувчи хар томонлама мос келиши керак. Туман мудофаа ишлари бўлими қақирув бўлимининг бошлиғи Б.Ҳақимовнинг ёзма равишда тақдим этган билдиргисиде Гурғибоев Отабек 2004 йил 3 ноябр кунин қақирув тиббий кўригидан ўтиб, Ўзбекистон Республикасининг «Умумий харбий мажбурият ва харбий хизмат тўғрисида»ги

бажарилишини текшириш, аниқланган қамчиликларни бартараф этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ёки маъмуриятга тақдимномалар киритишга ҳақлидир», деб белгилаб қўйилган.

Тармоқ касаб ва уюшмаси ташкилотлари ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилиб, муайян ишларни амалга оширди. Жумладан, Меҳнат Кодексининг 242-моддасига биноан 16 ёшгача бўлган ходимлар учун иш ҳафтасининг давомийлиги

далига нисбатан 34.145 сўмдан ортиқ моддий манфаат кўрган. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 24-моддасида «Касаб ва уюшма»лар ўз ташаббуси билан ёки ишловчиларнинг илтимоси билан корхоналарда меҳнати муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини, жамоа шартномалари ва битимлари

жилдининг ичида унинг отаси ёки укасининг ногиронлигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат йўқ эди, хозирги кунгача ҳам тақдим этилмаган», деб ёзилган. Шахсий жилд билан танишдик. Жароҳнинг ҳулосасига кўра буйи билан вазон оғирлигининг номуаносиблиги кўзатилган. Отаси ва укасининг ногиронлигини тасдиқловчи бирон бир ҳужжат йўқ.

Важоҳанли, туман ижтимоий-таъминот бўлимининг тахририятга берган маълумотида фуқаро Гурғибоев Фулом 73-мактабда ишлаб II гуруҳ ногиронлик пенсиясини иш

Хуқуқий ҳимоя

фазаси қонун-қоида ва меъёрларининг бузилиши юзага келган 605 та ҳолатдан 564 таси мутахассислар аралашуви билан бартараф этилди. Ҳамжиҳатликдаги сая-ҳаракатлар тўғрисида қарорлар қабул қилиш ёки маъмуриятга тақдимномалар киритишга ҳақлидир», деб белгилаб қўйилган.

Мажбуриятини таъкидлади. Бу имкониятларни тўла ишга солиш борасидаги фикрларини баён қилди. 3.Ногаидели самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирар экан, Грузия Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини алоҳида таъкидлади.

ниш мuddати тиббий ҳулосада 2006 йил 30 ноябрғача белгиланган. Туман Марказий касалхонаси маъмурияти тақдим этган маълумотномада ҳақиқатдан ҳам фуқаро Фулом Гурғибоев туман марказий шифохонасида бир неча йилдан бери эпилепсия касаллиғи билан даволаниб туради. Фориш туман тиббий меҳнат-экспертиза комиссияси ҳулосасига биноан II гуруҳ ногирони ва меҳнатга лаёқатсиз деб топилган.

Шу ўринда Ф.Гурғибоев ўқитувчилик қилаётган 73-мактаб маъмурияти тақдим этган маълумотномага эътиборини қаратмоқчимиз: «А. Қажоор номи мактабининг тил-адабиёт ўқитувчиси Гурғибоев Фу-

«ФЬЮЧЕРС»: ЮРТ ДОШЛАРИМИЗ ФИНАЛДА

Қарши шаҳридаги марказий теннис кортида бир ҳафтадан бунён давом этаётган «Фьючерс» халқаро турнири аёнланди.

Мукофот жамғармаси 15 минг АҚШ долларини ташкил этадиган мазкур турнирда жаҳоннинг ўн икки мамлакатидан келган олтин миш нафар ракетка устаси голиблик учун кураш олиб борди.

Жуфтлик баҳсларининг финал босқичида россиялик Сёргей Демекхин-Игорь Куницин ва ҳамюртларимиз Мурод Иноятқовлиқнинг гувоҳи бўляпмиз. Вазифа ўзаро ҳамжиҳатлик, талабчанлиқни кучайтирган ҳолда изчил фаолият юртиддан иборатдир.

Қарши шаҳрида еттинчи бор ўтказилган турнирнинг ақалки баҳсларида ўзбекистонлик икки теннисчи - Денис Истомин ҳамда Акмал Шариповнинг финалгача етиб келди. Россиялик қучли теннисчилар: Павел Лобанов, Андрей Столяров, Кирил Иванов-Смоленскийни

(ЎзА)

Бир шикоят изидан

лом 1980 йили ўқитувчи этиб қабул қилинган. Умумий иш стажини 27 йил. I тоифали ўқитувчи. 2004 - 2005 ўқув йилида 20 (йигирма) соатлик дарс билан таъмин этилган. Тартифиқация суммаси 40 минг 486 сўм, II гуруҳ ногирони».

Қаранг, қанчалар, қарама-қарши фикрлар. Туман халқ таълими бўлими маълумотномасида 2003 йил май ойидан 2004 йил майгача 240 минг 702 сўм ўқитувчи сифатида маош, 2004 йилдан 2005 йилнинг феврал ойгача 282 минг 011 сўм ногиронлик нафақасини, 2004 йилдан 2005 йилнинг феврал ойгача 318 минг 277 сўм ойлик маош олган. Гурғибоев Фуломга тегишли 0,24 га томорқа ер майдони бўлиб, тоқзор ташкил этган. 4 бош йирик шоҳли моли, 6 бош қўй, 4 бош эқисини борлиги «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини маълумотномасида қайд этилган. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан 2004 йилнинг июл, август, сентябр ойлари учун 24 минг 480 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилган. Моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган оиланинг даромадларини ва мулкий аҳолининг текшириш далолатномасида яшириб кўрсатилган ҳолатлар мавжуд.

Масалан, барча оила аъзоларининг иш ҳақи тақдим этилган маълумотномадан пасайтириб ҳисобланган, пенсиялар неғадир кўрса-

ИНСОФ САРИ БАРАКА

жойидан олиб келмоқда. Унга 2001 йил 27 июлдаги пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризасига асосан ТМЭК II гуруҳ ногиронлиғи белгилаб берганлиги учун 2001 йил 14 июлдан бошлаб 7809 сўм 36 тиийн миқдорда II гуруҳ ногиронлик пенсиясини тайинланган ва хозирги кунда 24771 сўм 69 тиийн миқдорда олиб келаяпти. Ногиронлик мuddати 2005 йил 1 сентябрғача қилиб белгиланган.

Феруза исмли фарзандига эса марказий касалхонанинг тиббий ҳулосасига асосан 16 ёшгача болалиқдан ногиронлик нафақаси тайинланган. Хозирги кунда 12920 сўм миқдорда ногиронлик нафақаси олиб келмоқда. Нафақанинг тўла-

ушбу дard хуружлари тез-тез такоррланиб турса ўқитувчи бўлиб ишлашлари мумкин эмас. Фуқаро Гурғибоев «Эпилепсия касаллиғи тез-тез такоррланувчи туқтанлиқ хуружи» тахисси билан «Қаробдол» қишлоқ участка шифохонасида ҳисобда туради. Охириги марта шу йилнинг 25 январидан 7 февралгача шу шифохонада даволанган. 8 февралдан этиборан амбулатория шариотида даволаниш давом эттирган.

Шу ўринда Ф.Гурғибоев ўқитувчилик қилаётган 73-мактаб маъмурияти тақдим этган маълумотномага эътиборини қаратмоқчимиз: «А. Қажоор номи мактабининг тил-адабиёт ўқитувчиси Гурғибоев Фу-

лом 1980 йили ўқитувчи этиб қабул қилинган. Умумий иш стажини 27 йил. I тоифали ўқитувчи. 2004 - 2005 ўқув йилида 20 (йигирма) соатлик дарс билан таъмин этилган. Тартифиқация суммаси 40 минг 486 сўм, II гуруҳ ногирони».

Қаранг, қанчалар, қарама-қарши фикрлар. Туман халқ таълими бўлими маълумотномасида 2003 йил май ойидан 2004 йил майгача 240 минг 702 сўм ўқитувчи сифатида маош, 2004 йилдан 2005 йилнинг феврал ойгача 282 минг 011 сўм ногиронлик нафақасини, 2004 йилдан 2005 йилнинг феврал ойгача 318 минг 277 сўм ойлик маош олган. Гурғибоев Фуломга тегишли 0,24 га томорқа ер майдони бўлиб, тоқзор ташкил этган. 4 бош йирик шоҳли моли, 6 бош қўй, 4 бош эқисини борлиги «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини маълумотномасида қайд этилган. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан 2004 йилнинг июл, август, сентябр ойлари учун 24 минг 480 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилган. Моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган оиланинг даромадларини ва мулкий аҳолининг текшириш далолатномасида яшириб кўрсатилган ҳолатлар мавжуд.

Масалан, барча оила аъзоларининг иш ҳақи тақдим этилган маълумотномадан пасайтириб ҳисобланган, пенсиялар неғадир кўрса-

# ТЕНГЛИК, РИВОЖЛАНИШ ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА

**(Боши 1-бетда)**

Унда хотин-қизларнинг нафақат иқтисодий, сиёсат, таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш борасидаги муваффақиятлар, балки уларнинг жамиятдаги маънавияти янада яхшилаш чора-тадбирлари ҳам кўриб чиқилди. Нодавлат ташкилотлар иштирокида қатор норасмий тадбирларни ўтказиш халқро анжуманининг ўзига хос хусусиятига айланди. Бу тадбирларда гендер тенглигини мустақамлашга фуқаролик жамияти катта ҳисса қўшиши зарурлиги ҳақида гапирилди.

Анжуманда мамлакатимиз делегациясининг Ўзбекистонда хотин-қизларнинг аҳоли тўғрисидаги маърузаси катта қизиқиш билан тингилди. Унда мустақилликнинг биринчи кунларидан хотин-қизларни ҳуқуқий,

иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, улар учун барча зарур шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб келатгани таъкидланган. Республикаимиз МДХда биринчилардан бўлиб БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди. Мамлакатимизда Конституция ва қатор қонунлар билан кафолатланган гендер тенглигини таъминлаш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Республика ҳукумати хотин-қизларнинг бандлик даражасини кўтариш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кўп болали, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида аниқ йўналтирилган ишларни амалга оширмоқда. Мамлакатимизда Оила йили, Аёллар йили, Она ва бола йили, Соғлом авлод йили

муносабати билан қабул қилинган давлат дастурларининг рўйбга чиқарилиши катта аҳамият касб этди. Бундай хайрли ишлар ҳозир, Сихат-саломатлик йилида ҳам давом эттирилмоқда. Президент Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу ишларга янги туртки берди.

Ўтган йил мамлакатимизда жамиятни янада демократлаштириш йўлида сезиларли ўзгаришлар рўй бергани билан аҳамиятли бўлди. Ўзбекистоннинг янги, икки палатали парламентига бўлиб ўтган сайловлар буни яққол тасдиқлайди. Депутатликка номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилиши уларнинг парламентдаги иштирокини кенгайтириши ҳақида таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

(ЎЗА)

ландики, Ўзбекистон БМТнинг хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган барча ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Президент Ислам Каримов айтганидек, аёллар олами гўзал, меҳри ва адолатли қилиш учун яратилган. Бизнинг жамиятимизда хотин-қизларнинг роли ортомқда. Улар мамлакатда амалга оширилётган ишларда фаол иштирок этмоқда, иқтисодий, илм-фан, маданият каби қўллаб-қувватлаш борасида самарали меҳнат қилмоқда. Улар орасида кўпгина жамоат арбоблари, корхоналар раҳбарлари бор. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг турли мамлакатлар нодавлат хотин-қизлар ташкилотлари, халқро ташкилотлар билан ҳамкорлигининг кенгайтирилиши ҳам маъзур вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

(ЎЗА)

**Қорақалпоғистон Республикаси** агроноат ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Қорақалпоқтама» корхонаси: Ўтган йили тажриба-синов тариқасида бир гектар майдонда ғўзани томчилаб сугориш усулини қўллаган эди. Янгилик ўз самарасини берди: ҳосилдорлик 78 центнерни ташкил этди.

**ЯНГИЛИК**  
**КЎЛ КЕЛДИ**

Янги технология суви тежаш билан бирга, эгтар ораларига ишлов бериш жараёнидаги харажатларни ҳам қисқартиради. Табиийки, деҳқоннинг моддий манфаатдорлиги ошади. Тажриба натижасидан кўнгли тулган корхона ахли бу йил йигирма гектар майдонда томчилаб сугориш усулида ғўза парваришларини режалаштирди. Мавсумга пухта тарадуд кўрган деҳқонлар чигит қадаб бўлди. Бундан ташқари 230 гектар майдонда турли полиз-сабзавот маҳсулотлари етиштириш кўзда тутилмоқда.

**Касаба уюшмалари ҳаётидан**

**«Термиз» аэропорти халқро стандартларга жавоб берадиган, шунингдек йўловчи ташийдиган «А-310», «Боинг-7577767» каби ҳаво кемаларини ҳам қабул қиладиган замонавий ҳаво бандаргоҳидир.**

Мустақиллик йилларида маҳаллий аэропорт фаолиятда улкан ўзгаришлар юз берди. Тўлиқ қайта қурилган учуш-қўнуш майдони замонавий самолётларни ҳам бемалол қабул қилиш имкониятига эга. Айни чоғда хизмат ва бўлимлар тўлиқ компьютерлаштирилмоқда. Янги ишлаб чиқариш ва маданий ҳордиқ чиқариш иншоотлари бунёд этиляпти. Меҳмонхона, экипаж учун замонавий дам олиш биноси қурилди. Аэропортга кириб келадиган йўллар ва ичкаридаги йўллар қайта таъмирланди.

Ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароити, ишлаб чиқариш тартиби яхшиланиши натижасида намунали хизмат кўрсатиш ҳажмлари ўсмоқда. Ўтган 2004 йилда режа кўрсаткичлари анча ошириб бажарилди. 5058,6 миллион сўм соф фойда олинди. Унинг бир қисми аэропортни обод-

Маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси ишчи-хизматчилар, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга, маданий ҳордиқ чиқаришларига алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, ўтган йили касаба уюшма йўлланмаси билан 8 нафар ишчи-хизматчи, уларнинг оила аъзолари республика ва вилоятимизда жойлашган санаторийларда, 14 нафар болалар ёғи соғломлаштириш оромгоҳларида ўз саломатликларини тиклашди. 452 нафар болаларга Янги йил совғалари улашилди. 50 нафар ишчи-хизматчилар учун ўтган йил ёзида қадимий Самарқанд шаҳрига саёҳат, 42 нафар фахрийларимиз учун вилоятдаги тарихий обидаларга зиёрат уюштирилди.

Ишловчиларимизга ҳар йили меҳнат таштилига чиқаётганларида ойлик маошларининг 50 фоизи миқдорида моддий ёрдам ажратилади. Тиббий ёрдам-



**ИШДАН БЎШ ВАҚТ**  
**мароқли ва мазмунли ўтмоқда**

донлаштиришга, шунингдек, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини янада яхшилаш ва бошқа фойдали мақсадларга сарф этишни мақсад қилганмиз. 320 нафар ишчи-хизматчининг бугунги кундаги ўртача ойлик маоши 72 миң сўмни ташкил этади.

Меҳнат жамоаси, касаба уюшма кўмитаси билан маъмурият ўртасидаги муносабат жамоа шартномаси талаблари асосида қурилган. Унга киритилган ишчи-хизматчилар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча бандлар тўлиқ бажарилмоқда. Масалан, маош ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида тўлиқ тўланмоқда. Умуми ва виждонан бажариладиган меҳнат рағбатлантириляпти. Ҳар чоракда иш якунлари бўйича мукофот пуллари тўланмоқда. Ишчи-хизматчиларимиз ишга бориб келишлари учун автобуслар ажратилган. Ишчилар иш ўринларида ўзларини хавфсиз ҳис этишлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратилган. Бу масалага ҳам маъмурият билан яқин ҳамкорликда алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, самолётларга техник хизмат кўрсатадиган бригада, махсус автотранспорт хизмати ҳайдовчилари, йўловчи ташишни ташкил этиш хизмати ишчилари махсус коржона, ҳимоя восталари ҳамда бепул сут маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланиб келинмоқда. Ўтган йили меҳнатни муҳофаза қилиш мақсади билан 10 миллион сўмдан ортқ маблағ сарфланди.

З.НАЖМИДИНОВ,  
«Термиз» аэропорти касаба уюшма кўмитаси раиси

**2005 йил — Сихат — саломатлик йили**

Будуларга бош қўйган ва ўлкани биллакузукдек ўраб турган тоғлар тақдорланмас табият кўрнини-шини ва инсон саломатлиги учун зарур шарт-шароитларни ҳосил қилган. Хусусан, шаҳар-кишлоқлари тоғларга туташ Наманган вилоятида сихатгоҳлар қўп. Нафақат мамлакатда, балки Марказий Осиёда ягона «Бешкапа» эндокринологик касалликлар санаторийси ҳам шу вилоятда фаолият кўрсатади.

**БЕШКАПАДА БОЛАЛАР СИХАТГОҲИ**

— Туз ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланаётган айрим «тадбиркор»лар ҳамда корхона раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли маҳсулотга етарли даражада йод моддаси қўшилимаётганлиги, қолаверса, ер остидан қавлаб олинган ичимлик сувида бу модданинг камлиги одамда, хусусан, болаларда ички ва ташқи бўқоқ касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда, - дейди сихатгоҳ бош ҳақими Саломатхон Арзиматова. - Бу касаллик бола организмнинг яхши ривожланишига, бошқачасига айтилганда, ақлий ва жисмоний камолга етишига салбий таъсир кўрсатади. Энг кўнгилсиз жиҳати ушбу салбий ҳолатлар организмнинг тез кейсаишига олиб келади.

Жамоанинг бош мақсади ҳозирги замон табибиди фани ютукларидан кенг фойдаланган ҳолда ана шундай касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш, пайдо бўлган тақдирда бошланғич палладаёқ ривожланишига йўл қўймасдан бартараф этишга қаратилган. Чунончи, «В» ва «С» дармонларга бой таомлар билан овқатланиш ва ҳаракат қилинмоқда. Йилнинг ҳар қандай фаслида бўлмасин, таркиби йод моддасига бой балиқ ёғи, помидор, редиска, лавлаги, пиёз ва куз ойларида қовун, тарвуз, кўпроқ бериллади.

Санаторий ҳудуди чинакамига боғ-бўстонни эслатади. Осмонпўпар чинордан тортиб турли хил ман-

зарали дарахтлар нигоҳингизга ором бағишлайди. Қуюқ дарахтлар ёзнинг ҳар қандай жазирамасини кучини кесиб саратоннинг авжи палласида ҳам сихатгоҳ ҳудудидаги хароратни 30-34 даражадан оширмайди. Сирдарё тарафдан эсадиган салқин шамол эса юз-кўзларингизни майин сийпалаб, вужудингизни роҳатлантиради. Озода ва ҳар томонлама қулайликлар мавжуд бўлган ётоқхоналар, кутубхона ёш даволанувчилар ихтиёрида.

«Бешкапа»нинг бошқа болалар сихатгоҳларидан фарқи шундаки, бу ерда муолажа билан биргаликда бемалол ўқиб таълим - тарбия олишнинг давом эттириши мумкин. Шу мақсад учун мўлжалланган мактаб сихатгоҳ ўз фаолиятини бошлаганидан бери ишлаб келинмоқда. Дарсликлар, бошқа ўқув қуроллари ўқувчиларга бепул бериб қўйилган. Ўқитувчи ва тарбиячилар ўз соҳаларининг чинакамига мутахассислари сифатида ҳурмат-эътибор топганлар.

Йилнинг тўрт фаслида сихатгоҳ узлуқсиз фаолият кўрсатади. У 210 ўринга мўлжалланган бўлиб, 150 таси эндокрин «бўқоқ» касаллигига чалинганларга мўлжалланган, 60 таси эса ревматизм ва томоқ-бурун касаллигига чалинганларга ажратилган. Беморлар олти ёшдан ўн беш ёшга бўлган болалардир.

Санаторийга йўлланма бепул.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**  
«Ишонч» муҳбири

Айни пайтда юртимизда янги йўллар қуриш ва таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борда Юқори Чирчиқ туман йўл хўжалик пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси йўлсозлари ҳам ибратли ишларни амалга оширишмоқда.

Корхона ишчилари Бўстонлиқ тумани ҳамда Сирдарё вилоятида бажарилаётган йўл қурилиш ишларида фаол иштирок этмоқдалар.

Йўллар ҳолатини халқро тоифага кўтариш, аксарият участкаларни биринчи тоифа даражасида сақлаб туриш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Мақсад йўл хизматини ташкил этишни тақомиллаштириш, бунёдкорлик ишларида меҳнат самарадорлигини оширишга эришидир.

Дарҳақиқат жамоа йўлсозлари айни кунларда йўлларимиз кўрки-га путур етказмаслик, янада текис ва раво бўлиши учун куну тун тўкиб, йўловчилар ҳамда автотранспорт воситалари учун барча қулайликларни яратиш мақсадида меҳнат қилмоқдалар.

**Тадбиркорлик — давр талаби**

**ИШБИЛАРМОНЛАР ПОЛЬШАДА**

олиб кириш имконияти яратилди.

— Хориж савдо-саноат палаталари, дипломатик корпуслари, тадбиркорлари билан яқиндан алоқа ўрнатилган, - дейди бошқарма бошлиғи Анвар Бекбўтаев. - Биргина ўтган йил октябр ойда «Польша» миллий кўргазмасида қатнашиб, маҳсулотларимизни намойиш этдик. Бундай алоқалар катта наф келтирди. Жиззах туманидаги «Palana-W» ишлаб

**«ТАШАББУС» - ТАЖРИБА МАКТАБИ**

Пастдарғом туманидаги «Парда бобо» фермер хўжалиги ташкил этилганига беш йил бўлди. Ун икки гектар ер ва олтиш беш қорамол билан иш бошлаган хўжалик қисқа фурсатда оёққа туриб олди. Қорамоллар сони икки юз бошдан ортиди, ўн икки гектар ер 120 гектарга кенгайди. Бугунги кунда эллика яқин киши меҳнат қилаётган фермер хўжалиги ўз техникасига эга.

«Ташаббус-2005» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг илғор фермер» номига муносиб топилган пастдарғомлик фермер - Убайдулла Пардаев фаолият таъмининг мамлакат босқичида ҳам юқори баҳоланди: унчинчи ўринни қўлга киритди.

— Фақат чорвачилик билан чекланиб қолганимиз йўқ, - дейди У.Пардаев. - 23 гектар майдонда галла, 23 гектарда ғўза парваришляпмиз. Ўтган йили 64,5 миллион сўм даромад қилдик. Кўрик-танлов мен учун катта тажриба мактаби бўлди. Мамлакатимиздаги энг илғор ва иқтисоди бақувват фермер хўжаликлари иши билан танишимди. Улардан кўп нарсга ўргандим. Бу келгусидаги иш фаолиятимда қўл келайди.

(ЎЗА)

Уйимизда катта жанжал бўлган кунни яхши эслаймиз...

Уша кунни онамни тоғам тўйга айтиб кетди. Кечкурун уйга қирайтиб, галати товушларни эшитиб тўхтаб қолдим.

— Катта акам ўғил йилантираётган бўлса-ю, сингил бўлиб тузуқроқ сарпо қилиб боролмасам?! Шўрим қуриган аёл эканман-да, ўзи! - йиғлаб гапирарди онам.

— Бегона эмас, жигаринг-кў, ахволингни тушунади, - дерди хотиржам оҳанда онам.

— Ҳа, ётиб олиб маслаҳат бериш осон-да! Она сингилларим олдига утга қоладиган бўлдим!

— Кейинги тўйларидан биргаликда...

Отамнинг гапи озгида қолди. Онам ҳақ аралаш деди:

— Кейинги тўйларигача ким бору, ким йўқ! - Яхши ниёт қил!

Онам шундан сўнг ҳам тинчимайди. Алланарсаларни рўқча қилиб нолий-верди. Мен эса уйга киришимиз, кирмасликнинг билмай эшик ёнида туриб қолгандим. Эртасига онам тоғамникига тўйга кетди. Бир ҳафтача қайтмади. Мен билгангача овқат тайёрлаб отамнинг ёнида бўлдим.

Укамга қарадим. Онам тўйдан қайтган, уларнинг жанжаллари яна бошланди. Тўй ўтган, тоғамнинг хотини - Раҳима келиноий онамга «Сиз боқий касалманд эр билан умрингизни ўтказаясиз-а», деганмиш. (Аслида ўша Раҳима келиноийни қариндошларимизнинг ҳаммаси ёмон кўришади, чунки, жуда манмансирраган, гийбатчи, латта-путтага ўч аёл. Онам бўлса шу аёлнинг бир оғиз галини деб отамнинг дилини оғритди). Отам онамнинг аччиқ сўзларига дош бериб, индамай ётаверди. Аммо тунда ахволи оғирлашди...

Орадан бир ҳафта ўтиб, отамдан ажрадик...

Отам болалигида хасталикка чалинган, вақтида эмланмагани учунми, хасталик асорати қолган, анча йиллар ўтиб, уни тўшакка миҳлаганди. Дўхтирлар «агар яхши парварши қилинса, маълум вақт ўтгандан кейин буткул оёққа туриб кетади», дейишганди. Отам эса яхши парварши туғул, бир оғиз яхши гапниям эшитмади. У ётиб қолганидан сўнг онам буткул ўзгариб қолди, бир ўзи пул топаётганидан нолигани нолигандай! Мана, оқибати! Отам касалликка

чиқариш фирмасига Америка Қўшма Штатларининг «The Cillette Company» компанияси томонидан замонавий технология асбоб-ускуналари олишига амалий ёрдам кўрсатди. Бошқарма тадбиркорларга маслаҳат ва кўмак ҳам берапти. Ўтган даврда 43 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари ёрдам сўраб мурожаат қилди.

**Б.НОРИЕВ**

чи бўлдим. Ҳартугул онам бунга рози бўлди. Шаҳарга қатнаб юриб, Анварни учратдим. Қўшни туманилик экан. Билимдон, самимий ва дилқаш йигит эди. Бир-биримизни ёқтириб қолдик. Ярим йилча вақт ўтиб, уйимизга совчи юбормоқчи эканини айтди. Буни онамга билдирганимда эса...

— Учраган одамга тегиб кетаверсанми? Тўйдан кейин касал бўлиб ётиб олса ё рўзгорни сенга оқлаб қўйса, нима қиласан?! Бўлмади! Ўзим пулдор бир йигитни топиб қўйганман, сени ўшанга узатаман!

— Сиз топган йигитга тегмайман!

— Тегасан!

— Фазабим кўзиди, ичимда нафрат уйғонди. Йиғлаб юбордим.

— Отамдан айирдингиз! Дугоналаримдан ажратдингиз! Энди севган кишимдан ҳам...

— Гапим оғзимда қолди. Юзимга теккан шапалоқ зарбидан мункиб кетдим. Бошим деворга урилди.

— Онамдан ҳафсалам пир бўлди...

— Ҳаётдан ҳам кўнглим совиётгандек эди. Анвар эса нукул «иккимиз қочиб кетайлик» дейди. Мен кўнмайман.

— Юзи қора қиз бўлгандан кўра, шу севгидан воз кечиб қўя қолганим яхши!

— Наҳот менга раҳминг келмаса? Ахир сени яхши кўраман!

— Биламан, Анвар, лекин онам бизнинг никоҳимизга рози бўлмайди. Фақат отамгина мени тушунарди. У эса энди йўқ...

Кейинги кунларда жудаям эзилиб кетдим. Яқин ётгандик, «Тўхтанлар!» деган товушни эшитдик. Кимдир биз томонга қочиб келарди. Нотаниш йигит.

— Сабо, тўхта! Онамнинг ахволи оғир, кўни-қўшини йиғилди, сени сўрапти! Юрак, - деди.

— Ёлгон! Мен сени танимайман! - дедим.

— Биз Ҳанифа кенной билан бозорда ёнма-ён савдо қиламиз. Кетганинг-

# ҚАЛЬ

дугонам - Нилуфарга дардимни тўкиб солдим. У мен кутмаган гапни айтди:

— Сени чинакамига севса, ўша йигит билан қочиб кет! Яқин келиб ҳамма сени тушунади, кечиради ҳам Ассийси, бахтингни қўлдан чиқарма!

Шу гап менга анча таскин берди. Анвар билан холи гаплашиб олдик. У узоқ қариндошлари билан келишиб қўйгани, мени уларникига олиб бормоқчи бўлаётганини айтди. Индамадим.

Уч кун ўтиб, иккимиз кечаси йўлга тушдик.

Эндигина тақсига ўтира-

ни билиб қолган, онам менга телефон қилди, «машинанга етиб кел» деди. Келсам, ўзлари бир ахволда. Сени сўрапти, юр, тагин онамдан ажраб қолсанг...

Шу охирги гапни эшитдим у йигитнинг олдига тушдим. Анварга «кейин қўрашамиз» дедим. Бирок, уйга киришим билан...

Онам сочларимга чанг солди.

— Мени эл-юртга шарманда қилмоқчиминг, ер юткур, - деб қаргади.

Аслида воқеа бундай бўлган экан. Дугонам Нилуфар бизнинг режамиздан хабардор эди. У бор гапни

“Харакат хавфсизлиги ойлиги” давом этмоқда

МАСТ ҲАЙДОВЧИДАН АСРАСИН

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, қоидабузарликларни аниқлаш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 3 ойи мобайнида йўл ҳаракати қоидалари 108 минг 988 марта бузилганлиги қайд этилди. Шулардан 43 минг 893 таси қўпол қоидабузарликлар, 2979 таси эса транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш ташкил этади.

Олиб борилаётган қатъий чора-тадбирларга қарамай бундай ҳодисалар сони хануз камаймаяпти. Шаҳримиз йўлларида 575 та йўл-транспорт ҳодисаси рўйхатга олинган бўлиб, улар туфайли 44 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмди. 674 таси турли даражадаги жараҳати олинди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ишлари Давлат йўл ҳаракати хизмати ходимларининггина иши бўлиб қолмай, бу тадбирга кенг жамоатчилик, меҳнат жамоаларини жалб этиш зарур.

Бу йўналишдаги ишларни янада жонлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 мартдаги Фармойишига асосан жорий йилнинг 1 апрелидан 1 майга қадар Республикада “Харакат хавфсизлиги ойлиги” ўтказилаяпти. Бунга йўл ҳаракати хавфсизлик хизмати ходимлари жиҳдиди тайёргарлик кўрдилар. Хокимликлар, меҳнат жамоалари, ҳақ

ламалари ўрнатилиб, 15 километрга яқин йўл чизиклари чизилди. Бундан ташқари, йўл ҳаракати қоидаларини ва ҳаракат хавфсизлигини ҳамда ойликда фаол иштирок этишни тарғиб қилувчи 20 дан ортиқ кўргазмалар ўрнатилди.

Аҳоли гавжум жойларда, автошоҳбekaтлар, бозорлар олдига тарғибот ишлари олиб боришда, Шаҳримиз кўча ва йўлларида ЙХБ тарғибот автобуси, патрул автомобиллар

ланган эшиттиришлар, газета ва журналларда мақолалар бериб боришда, “Камолот” ёшлар-ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда 11 минг хушхуда мурожаатнома ва қақирқилар тарқатилди.

Ушбу тадбирлар пойтахтимиз йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарасини ошириш, фуқароларнинг бахтсиз ҳодисалар сабабли



болалар муассасалари ҳудудларидаги пиёдалар йўлакчалари, ўтиш жойларининг чизиклари, йўл белгилари, светофорларнинг мавжудлиги ҳамда ҳолати кўридан ўтказилмоқда. Ойлик бошланганда бери ўтган 10 кун мобайнида 47 та йўл белгилари ва 71 та сунъий ёритиш мос

даги овоз кўчатиригичлар орқали шаҳримиз фуқаролари ва меҳмонларига мурожаатномалар эълон қилиб борилаяпти.

Ойлик бағишланган видеороликлар тайёрланиб, телевидение орқали доимий равишда намойиш этилмоқда. Шунингдек, радио орқали ҳаракат хавфсизлигига бағиш

бевақт оламдан кўз юмишлари ёки бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолмасликларининг олдини олишда ўз самарасини беради. албатта.

Р.ОРИПОВ, “Ишонч” мухбири С.НАСЛЕДОВ олган сурат

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки Фарғона бўлими томонидан Вазирлар Маҳкамасининг “Пластик қарточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори бўйича бир мунча ишлар амалга оширилди.

Банкининг сўмлик ва халқаро “VISA” пластик қарточкаларига хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириб, улардан фойдаланувчиларнинг сони 2005 йил 1 апрел ҳолатига 14 минг 500 тадан ошиб кетди. Мижозларга пластик қарточкалар орқали нақд пул бериш банк бўлимида ва филиалларида ҳамда йирик корхоналарда ўрнатилган банкоматлар орқали амалга оширилмоқда.

Бўлим мижозлари ҳисобланган “Фарғона ёр-мой” ҳиссадорлик жамияти, “Узсаламан” қўшма корхонаси ишчи-хизматчиларига иш ҳақи тўлов тизими тўлиқ пластик қарточкалар орқали амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, 30 га яқин корхона ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини пластик қарточкаларга ўтказиш лойиҳалаштирилган. Бунга мисол тариқасида Фарғона шаҳар ҳокимияти, Фарғона нефтини қайта ишлаш заводи, “MS FOOD PROCESSING CO”, қўшма корхонаси, “KABOOL-FERGANA CO LTD” қўшма корхоналарини келтириш

ган коммунал тўловчиларни қабул қилувчи махсус кассаларда ўрнатилган терминаллар орқали 1 миллион 600 минг сўмликдан ортиқроқ аҳолининг коммунал тўловлари вазифини бажарувчи Яхёнов Тожибоев. - Вилоят марказидан узоқроқда бўлса ҳам пластик қарточкадан фойдаланаётган мижозларимиз сони кундан-кунга ортмоқда. Тадбиркорлар ҳам қарточканинг қўлайлигини англаб ётмоқдалар.


Айни пайтда корхона-ташкilotлар учун корпоратив қарточкалар чикариш режаштиряпти. Ушбу қарточкалар дунёнинг энг ривожланган давлатлари АКШ, Япония, Жанубий Корея ва Европа мамлакатларида кенг фойдаланилади. Корпоратив қарточкаларини яқка қарточкалардан фарқи шуки, улар корхона ёки ташкilotларга тегишли бўлиб, корхонанинг ҳисоб рақамига боғланган бўлади. Қарточка корхона томонидан лимитланиб борилади. Ундан фойдаланувчи масъул ходим концевлярия моллари сотиб олиш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа вақиллик харажатларини амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Энг муҳими, корхона-ташкilotларнинг ушбу қарточкадан фойдаланувчи вақиллари кўпгина расмиятчиликлардан, махсулот сотиб олиш ва хизматларни бажаришда орқача чиқимлардан холи бўладилар.

— Олиб бораётган тушунтиришлар натижа бера бошлади, - дейди банкининг Бувайда филиали бошқарувчиси қабул қилинди.

2004 йил давомида банк терминаллари орқали савдо айланмаси 206 миллион 700 минг сўми ташкил этди. Бу 2003 йилдагига нисбатан 82 миллион 200 минг сўмга кўп демакдир. Аҳолининг 797 миллион 690 минг сўм бўш пул маблағлари пластик қарточкаларга жалб қилинди. Ҳар ойда қарточкаларга ўртача 70-100 миллион сўм келиб тушмоқда ҳамда ушбу маблағларнинг 55-60 миллион сўми ўрнатилган савдо терминаллар орқали сарф этиляпти.

— Олиб бораётган тушунтиришлар натижа бера бошлади, - дейди банкининг Бувайда филиали бошқарувчиси


ПЛАСТИК КАРТОЧКА ҳар жиҳатдан қўлай



мумкин. Жорий йил давомида бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақларини қарточкаларига ўтказиш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Хозирда жойларга чиқиб ишчи ва хизматчиларга пластик қарточкаларнинг афзалликлари, ҳар ойда қолдиқ суммага банк томонидан фойз ҳисобланиб бериши, энг муҳими, пластик қарточка эгасининг ҳаёти банк томонидан сугурталаниши тўғрисида тушунтиришлар олиб боришмоқда.

Чиноздаги 1-ўрта умумтаълим мактаби туманда энг намунали билим масканларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда бу даргоҳда 1600 нафардан зиёд ўқувчи таълим олмақда. Мактаб ўқувчилари амалий фанларни ўзлаштиришда туманда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Шу билан бирга болаларнинг йўл ҳаракати қоидаларини ўзлаштиришлариға мактаб маъмурияти алоҳида аҳамият беришмоқда. Шу боис мактаб ўқувчиларидан иборат команда «яшил чироқ» мусобақаларида иштирок этиб, республика ҳамда вилоят босқичларида фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Бунда, албатта йўл ҳаракати қоидаларини ўзлаштиришлариға сабоқ бераётган тажрибали ўқитувчи Мурод Собитовнинг хиссаси катта бўлмоқда.

Суратда: М.Собитов навбатдаги машғулот пайтида.



НУРОТАЛИК ТОҲИР ТОШТАРОШ

Қадимий Нурота ўзининг тиллоранг қорақўл терилари, минг дардага даво шифобахш бўлоқларию хунармандчилиги билан машҳур. Айниқса, Нурота мармарининг довури дунёга таралган. Ана шу тошларга ишлов бериш, уни қайта ишлашда фозгонлик уста Тоҳир Раҳимовнинг ўз ўрни бор. Бобоси - Нуротанинг машҳур сангтароши Абдураҳим Турдиев, отаси - Аҳмаддон Раҳимовдан мерос - тошга сайқал бериш санъатини пухта эгаллаган Тоҳир ақани тоштарошлик элга танитди. У «Ташаббус-2005» кўрик-танловининг Навоий вилоят босқичида «Энг яхши хунарманд» номинацияси бўйича голиб бўлди.

Бу йил вилоят пиллакорлари қирқ минг қути ипақ қурти парваришига режаштирилган.

ИПАҚ ҚУРТИ ПАРВАРИШИ ҚИЗГИН

— Ўтиштирилаётган қимматбахо хомашё сифатига алоҳида эътибор қаратаямиз, - дейди вилоят «Пилла» акциядорлик бирлашмасининг бош ҳисолати Тўлқинжон Топилов. - Жанубий Корея ва Вьетнамдан тўққиз минг қути уруғ олиб келдик. Озуқа борасида ҳам муаммолар бўлмайди.

Уруғлик пилланинг ҳар килограмми учун бир ярим-икки минг сўмдан, сановат пилласи учун тўққиз юз сўмдан ҳақ тўланади. Шу пайтга қадар пиллакорларга 250 миллион сўм бўнак пули тарқатилди.

(ЎЗА)

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Бошланғич баҳоси - 26506,3 АҚШ доллари. Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Икмониятингизни бой берманг. Фақатларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлар объектларни харид қилишигизда Сизнинг хизматингизда бўладилар. Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилими: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Маҳмад Уразбоев кўчаси, 11А уй. Телефонлар: 136-15-28, 136-26-26. Факс: 136-06-17 www.rkmb.uz

Эслатма РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиб билдирилган ҳолда савдо аукцион қўрилишида давом этиб, нархлар эркин шаклланади.

Буни ҳаёт дейдилар

деди суд. Залдагилардан бири. “Бу қиз Сардордан кутулиб сўнг Анвар билан қочиб кетмоқчи бўлиб шу ишга кўл урган!” деди. Мен эса... халиям ўзини тушунолмаётганим. Нега, нахотки шу ишни қилдим? “Анварни ўлдириб қўяди деб кўрдимми...” “Эки Анварни пичоқлагач, кейин мениям ўлдирадидеб хавотирландимми...” “Эҳд билмасдан, анавилар айтгандай жаҳл устидеб пичоқни қўлимга олдимми...” Шу саволларнинг ҳеч бирига ўзимдан жавоб тополмасдим. Фақат шуни билардимки, кутулганда жиноят қилдим! Сиз кейинги воқеалар ҳақида сўрамоқчидирсиз? Сардор узоқ вақт касалхонада ётди. Тузалиб чиққач, уйимизга келиб онамни айбдор қилибди. Сўнг иккинчи юзқўрма бўлиб кетишибди. Ҳаммасининг аламини учунми, онам қачонки ёнимга келса, “Сен ноқўр, ношуқрсан, ўз ҳаётингни ўзинг расво қилдинг!” дейишини қўймайди. Анвар эса... О, мен уни қанчалик севардим! Анвар дастлаб бир-икки мартаба мени

Махбус қизининг мактабларини Гулчехра ЖАМИЛОВА оққа кўчирди

Фарғона вилоят «Марказий буюмлар бозори» акционерлик жамияти навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2005 йил 17 май сешанба куни соат 10.00. да «Марказий буюмлар бозори» маъмурияти биносиде ўтказилади.

Йиғилишда қатнашувчи акциядорларни рўйхатга олиш 2005 йил 17 май куни соат 8.00 да Фарғона вилоят «Марказий буюмлар бозори» акционерлик жамияти маъмурияти биносиде бошланади.

Жамиятнинг низом фонди 148800 минг сўм бўлиб номинал қиймати 10 минг сўмдан бўлган 14880 дона акция чиқарилган.

- Кун тартибидеги масала: 1.Жамият бошқарувининг 2004 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш. 2.Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш ёки бошқарув раисини қайта сайлаш. 3. Бошқарув раисининг 2005 йил учун бизнес режасини тасдиқлаш. 4.Жамият Кузатув Кенгашининг 2004 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш. 5.Аудитор ҳисоботини тасдиқлаш, 2005 йил учун жамият аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш. 6.Жамият Кузатув Кенгаши таркибини қайта сайлаш. 7.Жамият тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш. 8.2004 йил якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб ва рағини тасдиқлаш, соф фойдани тақсимлаш. (Дивидендлар миқдорини тасдиқлаш). 9.Жамият Кузатув Кенгаши ва тафтиш комиссияси раисига тўланадиган рағбатлантириш миқдорини белгилаш ва тасдиқлаш.

Бухгалтерия ҳисоби:	Молиявий натижалар тўғрисида маълумот
Актив	
1-Бўлим жами: 192 575,8	Махсулот сотишдан тушган тушум: 27 166,7
2-Бўлим жами: 63 062,6	Давр харажатлари: 13583
Актив жами: 255 638,4	Умум ҳўжалик фаолиятининг фойдаси: 13583
Пассив	
1-Бўлим жами: 148 800	Даромад солиғи: 13583
2-Бўлим жами: 106 838,4	Соф фойда:
Пассив жами: 255 638,4	

Техника асрида умргузаронлик қилаётган инсоният, ўз ихтироси меvasи бўлган мавжуд транспорт воситаларининг қурбони бўлиши мумкин. Чунки кундан-кун қўлайиб бораётган автомобилларнинг ҳавога зарарли газларни чикариши ҳеч кимга сир эмас.

«ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг қарорига биноан мамлакатимизда 10 апрелдан 10 майгача «Тоза ҳаво» тадбирининг биринчи босқичи ўтказилади. Айни кунларда Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ва ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлими билан биргаликда ушбу тадбир режаси ишлаб чиқилган бўлиб, давлат назоратлари жойлардаги Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, «Узнефтгаз назорат» ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари билан ҳам иш олиб боришмоқда.

Тадбир давомида ишлаб чиқариш салмоғи катта бўлган ҳамда автомобиллар ҳаракати зич минтақаларга алоҳида эътибор берилади. Чунончи, Олмалик, Ангрэн, Бекобод, Оҳангоран, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида ва вилоятнинг дам олиш масканлари жойлашган Бўстонлик, Паркент туманларида бу иш кенг қўламда олиб борилади. Вилоятга кириб келаётган 11 та масканда-Тошкент туманидаги «Фишт кўприк», «Навоий», Чиноздаги «Яллама», Ангрэндаги «Чинор», блок постлариде ва Қиррайдаги «Сохибор», Юқори Чирчиқдаги «Бандаркўл», «Норбоев», «Оқ тепла», Оҳангоронда «Бескостин» ва Бекободдаги «Ойбек» йўл патрул хизмати масканларида автоловлардан атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли газ миқдорини текшириш бўйича иш олиб боради.

У.АШУРОВ, Тошкент вилоят Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси бўлим бошлиғи

онасига айтган, онаси эса «Эртага бир гап бўлса сен яширганнинг учун балага қолсан, чиқиб Ҳанифахонга буни билдир» дебди. Нилуфар онамга айтган, дарров телефонда халиги йиғитни чақирган ва ортимиздан жўнатган... - Мен сенга айтган йиғит шу, исми Сардорбек, таниб ол, - деди онам. - Истайсанми, истамайсан-чиқшимга рўхсат йўқ-ку. Ёлгон ишлатмасам бўлмайди, шекилли.

НИДОСИ

ми, шунга тегасан! - Тегмайман! Кўнгил қўйган одамим бор! - Бугундан бошлаб уйда камалиб ўтирасан! Онанинг гапини икки қилиш қанақа бўлишини сенга кўрсатиб қўяман! Хуллас, бир ҳафта уйдан чиқаришмади. Бир кун онам аллақандай тараддуд билан кириб келди. - Эртага сени унаштира-миз, қизим, - деди. Тушундимки, онам «оёқ-қўлимни боғлаб» ўша йиғитга узатмоқчи! Энди нима қилсамкин?! Анвар бундан беҳабар... Унга айтсам, бирор чорасини кўрармикин! Лекин... Уйдан

Мен нима қилишни билмай шовиш қолдим. Бир пайт қарасам, Сардор (у тўладан келган, бакуват йиғит эди) Анварни ерга йиқитиб тепкиляпти. - Кўйвор! У сенга нима ёмонлик қилди?! - деб қичқирдим. - Бировнинг қизини йўлдан урса, бу ёмонлик эмасми? Ҳозир адабини бериб қўяман, - деди Сардор бўш келмасдан. - Мен уни яхши қўраман, ҳамма гапига ўзим рози бўлганман! - дедим. - Сен меникисан, Сабо. Бу йиғит орамиздаги чақиртиканак! - Сен ўзинг чақиртиканак! Кўйиб юбор уни!

Бироқ Сардор бор қучи билан Анварга ёпишар, Анвар эса хипчароқ бўлгани учунми, Сардорнинг бакуват кўллари уни ўздан ажратиб ололмасди. - Кўйвор, қанақа номард йиғитсан?! Анварнинг шу гапи Сардорнинг нафсониятига тегди, кутуриб кетди, унинг қўлида нимадир «ярқ» этганини кўрдим. Пичоқ! - Ердан беринглар, ким бор? - деб қичқирдим. Бу орада Сардор пичогини Анварга ўтқалди. Мен унинг қўлига ёпишдим. Пичоқ ерга учиб тушди. Юғуриб бориб пичоқни олдим.

Сардор энди менга ёпиша бошлади: - Ҳозир икковингням ўлдираман! Бир зумда миям ишлаб кетди. Ҳозир у пичоқни олса бас, Анварни бир ёқлик қилади! Яхисиси, пичоқни беркитиш керак! Лекин, қаёққа? Жаҳлдан кутурган бу йиғитга қандай қилиб чат берсам экан? Шунда пичоқни Анварга отдим. «Ма, ушла, қоч!» дедим. Лекин, Анвар жойидан қимирла-масдан тураверди. У айнаи вақтда нима қилишни билмасди. Сардор худди ҳайвондек бўкириб Анварга ташландию уни гилпа бўғди. Пичоқ ерга учиб тушди. Сардорнинг кўзи қонга тўлган, ҳақиқатан ҳам одам ўлдиришга чоғлангандек эди. - Ҳозир сени бир ёқлик қиламан! Кейин анави ўша-шингням йўқотаман! Ут билан ўйнамоқчи бўлдингларми, ҳали! Мана энди кўра-сан!!! Анвар хириллаб қолди. Юзлари кўрага бошлади. Мен чидаб туролмадим. Дарҳол ердан пичоқни олдим... бор қучим билан Сардорнинг орқасига санчим! Кўп ўтмай суд бўлди... Кимдир мени оқлади! Кимдир қоралади. «Жаҳл келса, ақл кетади, қиз бо-яқши ўзи нима қилаётгани-ниям англаб ётмаган».

